Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
КУТУБХОНАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 35 (9.227) 1999 йил 29 март, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

# ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ





Урганчда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик, қўмита, концерн, компания, идора ва ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Хоразм вилояти республикамиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг буюк келажагини бунёд этишда хоразмлик меҳнаткашлар ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда вилоятда кўплаб ижтимоий-иқтисодий объектлар, йирик корхоналар ишга тушди, талайгина хайрли ишлар амалга оширилди. Бироқ охирги вақтда вилоятда кадрларни танлашда таниш-билишчилик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, ўзибўларчилик, бюджет маблағларини ғайриқонуний сарфлаш ҳоллари содир бўлди. Баъзи раҳбарлар ўз масъулиятини тўлиқ англамагани, замон талаблари асосида иш юритмаётгани боис корхоналарнинг дебитор-кредитор қарзлари кўпайди.

Президент Ислом Каримов қайд этганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни вилоятда суст бормоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, маданий-маърифий, тиббий муассасалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш борасида ҳали муаммолар мавжуд.

Давлатимиз раҳбари вилоятда юзага келган камчиликларни бартараф этиш учун бошқарув идораларига ёшларни кенг жалб этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, барча соҳаларда мулк масаласини ҳал этиш, оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигини кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Сессияда сўзга чиққан Боғот тумани ҳокими Ш. Хожиниёзова, меҳнат фахрийси Б. Давлатов, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари Г. Ибодуллаева ва бошқалар Хоразм аҳли Йўлбошчимиз нутқида кўтарилган масалаларни ҳал этиш учун барча имкониятларни ишга солишини айтдилар. Хоразм юртига, унинг меҳнаткаш халқига берилган юксак баҳо учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. И. Юсупов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан депутатлар Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасида ишлаб келган Ислом Бобожоновни Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Б. Олимжонов, М. Усмонов иштирок этди.

*Беҳзод УСМОН, Темур ШАМАКОВ,*
*ЎзА мухбирлари.*

*СУРАТЛАРДА: сессия пайти.*

*Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.*

Мурувват

# БОЛАЛАРНИ СЕВИНТИРГАН СОВҒА-САЛОМЛАР

***Шаҳримизда бешта Меҳрибонлик уйлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида Наврўз байрами кезларида совға-саломларни топшириш муносабати билан ўзгача қувончли онлар бўлади. Ота-онасининг меҳридан маҳрум бўлган бундай болаларга эътибор бизнинг республикамизда жуда яхши анъанага айланиб қолган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ана шундай ғамхўрлик ва эътиборни мунтазам равишда кўрсатиб, мамлакатимизнинг катта байрами кезларида Меҳрибонлик уйларининг болаларига доимо ўз совға-саломларини йўллайдилар.***

Республика Мустақиллиги байрами, Янги йил кезларида ана шундай бўлди. Меҳр-мурувват, мискинларга шафқат, маънавий покланиш, муҳтож оилаларга мадад кўрсатиш байрами ҳисобланган Наврўз айёми кезларида ҳам ана шундай бўлди: 1200 болага шаҳар ҳокимининг совға-саломлари топширилди.

Пойтахтимиздаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари шаҳар ва туман ҳокимликлари, Халқ таълими бош бошқармасидан бу ерга ташриф буюрадиган меҳмонларнинг келишидан аввалроқ хабардор бўлган эдилар. Ана шу боисдан ҳам тарбияланувчилар меҳмонларни илиқ табассум билан кутиб олдилар ва мезбон сифатида ўзларининг уйларини бу тантанага тайёрлигини намойиш қилдилар. Бинобарин, ушбу Меҳрибонлик уйида ҳам болаларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларни ижодий машғулотларга жалб этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров болаларни Наврўз айёми билан табриклаб соғлом, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашни бизнинг ҳукуматимиз Ўзбекистон тараққиётининг асоси деб билаётганлигини ва шу боисдан болаларнинг камол топиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановнинг бугунги совға-саломлари ана шу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир.

Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари совға-саломларни севиниб, ташаккурлар айтиб қабул қилиб олар эканлар, баҳорий, қуёшли ва ёрқин кунларда нишонланаётган Наврўз айёми байрами, анъаналаримиз тўғрисида ўз тарбиячилари сўзларидан кўп нарсалар билиб олганликларини таъкидладилар.

— Бизнинг болаларимиз, — деди 24-Меҳрибонлик уйининг директори Дилфуза Зайнутдинова, — уларнинг ҳаётларига айниқса тантанавор руҳ бағишлаган бундай кунлардан ғоят қувонадилар. Ана шундай кунларда улар ўзларининг мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётига даҳлдор эканликларини янада чуқуррок англайдилар, уларга кўрсатилаётган эътибордан фахрланадилар ва табиийки юртимизнинг муносиб кишилари бўлиб етишиш учун янада яхшироқ билим олиш, жамоат ҳаётида фаолроқ иштирок этишга интиладилар. Болаларимиз тўғрисида мунтазам ғамхўрлик кўрсатаётган Йўлбошчимиз Ислом Каримовга каттадан-катта ташаккур.

* * *

Наврўз айёми кезларида пойтахтимиздаги 22, 30, 21, 23-Меҳрибонлик уйларида, 98-интернат-мактабда ҳам шундай қувончли маросимлар ўтказилди. Шаҳар ҳокими номидан совға-саломларни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Ф. Абдураҳимова, С. Муслимов, Р. Пўлатов, Р. Рўзимуҳамедовлар топширишди. Ана шу Меҳрибонлик уйларининг ҳаммасида ҳам қувончли ва тантанавор дамлар кечди. Мамлакатимизнинг болаларимиз тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлигига ташаккурлар айтилди. Тарбияланувчилар Тошкент шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Фарҳод» бозори ва бошқа ташкилотлар томонидан саховат билан ёзилган тўкин дастурхонга қўйилган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлдилар.

*(Ўз мухбиримиз).*







*СУРАТЛАРДА: пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйларида бўлиб ўтган байрам тантаналаридан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов ва Рашид Галиев олган суратлар.*

ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ислом Бобожоновни Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш; Искандар Юсуповни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Хоразм вилоятининг ҳокими лавозимидан озод қилиш; Ислом Бобожоновни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги Фармонларга имзо чекди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига муқаддас Қурбон ҳайити байрами муносабати билан жаҳондаги давлатларнинг раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларидан дил сўзлари изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.

• Муборакли Эргаш Ярашев оиласи номига Президентимиз йўллаган мактуб ва совғасини топшириш маросими бўлди. Маълумки, корхона раҳбари Эргаш Ярашевнинг аёли Гулойим Валиева мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга атаб чиройли гилам тўқиб, Наврўз байрами арафасида ушбу совғани Йўлбошчимизга жўнатган эди.

• Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Академик рус драма театрида Халқаро театр куни ҳамда янги нашрдан чиққан «Театр» журналининг тақдимотига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

• Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Хусусий, кичик ва ўрта бизнеснинг экологик ва молиявий-иқтисодий муаммолари «Экосан» халқаро жамғармаси, бизнес-фонд ва «Экосан» Тошкент клуби ташкил этган халқаро семинар иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

• Республика Миллий фестивалига тақдим этилган асарлар кўрик-танловининг натижаси эълон қилинди. Шунга кўра фестивалнинг Гран-при соврини ва дипломи Болалар бадиий ижодиёти республика марказининг саккиз ёшли мусаввири Диёра Ҳасановага «Дисней Ленд» асари учун топширилди. Диёра Ҳасанова шу йил июль ойида АҚШнинг Вашингтон шаҳрида ўтадиган «Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалида қатнашадиган бўлди.

• **Эртага** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси театр ижодкорлари уюшмаси раҳбарияти иштирокида «Наврўз — 99» республика театр санъати фестивалига бағишланган оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилади.

## ЖАҲОНДА

• Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида Наврўзга бағишланган тантанали тадбирлар ўтказилди.

• Украина Президенти Леонид Кучма Югославиядаги воқеалар муносабати билан ўзаро можаролашаётган мамлакатлар ўртасидаги музокараларда воситачилик қилишга ва ҳатто воқеалар содир бўлаётган жойнинг бевосита ўзига боришга тайёр эканлигини айтди.

• **Кеча** Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистондан ташқари Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар «ёзги» вақтга ўтдилар. Соат миллари бир соат олдинга суриб қўйилди.

• **Бугун** Киевда ўтган жума куни автомобиль ҳалокатига учраган Народная Руханинг етакчиси Вячеслав Чорновил ҳалок бўлганлиги муносабати билан мотам куни эълон қилинди. Бугун В. Чорновилни дафн этиш маросими бўлади.

• **Кеча** Москвада АҚШ элчихонаси биноси ўққа тутилди. Уч нафар ёш қурол билан қўрқитиб, милиция машинасини эгаллаб, элчихона томон йўл олган ва автоматдан элчихона биносига қарата ўқ узиб, яширинган. Ҳозир жиноятчиларни қидирув ишлари давом этмоқда.

• НАТОнинг Югославия бўйлаб берган ҳаво зарбалари оқибатида кам деганда 130 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Покистон махсус хизмати маҳкамаси ходимлари Бош вазир Навоз Шарифга уюштирилаётган террорчилик ҳаракатининг олдини олишга муваффақ бўлдилар. Мамлакат маданият вазири Рашид Аҳмаднинг маълум қилишича, ўтган пайшанба куни Бош вазир Равалпинди шаҳрида аёллар коллежининг очилиши маросимида сўзга чиқиши режалаштирилган эди.

• Болгария ташқи ишлар вазирлиги АҚШнинг Софиядаги элчихонасига Болгария ҳудудига «Ҳаво-ҳаво» русумидаги ракеталарнинг қулаганлиги муносабати билан ташвиш билдирди.

• Кенияда Найроби — Момбасу йўналишида кетаётган йўловчилар поезди ҳалокатга учради. 400 нафар йўловчидан 36 нафари нобуд бўлди. Улардан беш киши европалик деб ҳисобланмоқда.

• Исроилда давлат хизматчиларининг иш ташлашлари кенгайиб бормоқда. Касаба уюшмалари билан молия вазирлиги ўртасида кеча ўтказилган навбатдаги музокаралар натижасиз тугади. Касаба уюшмалари иш ҳақини етти фоизга оширишни талаб қилмоқдалар, ҳукумат эса иш ҳақини уч фоизга оширишга тайёрлигини билдирмоқда.

• Парагвайда мухолифатчи кучларнинг мамлакат президенти истеъфосини талаб этувчи кўп минг кишилик митинг ўтказилди.

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ливия ҳукуматининг жорий йилнинг 6 апрелигача «Локерб ишига» алоқадор икки ливияликни судга топширишга рози бўлганлигини маъқуллади.

Қурбон ҳайити

# МЕҲР ВА САХОВАТ АЙЁМИ

***Юртимизда муқаддас Ислом динининг икки байрамидан бири бўлган Ийд Қурбон ҳайити ҳар доимгидек кенг нишонланди.***

Тонг ёришмасидан анча барвақт Кўкча даҳасидаги шайх Зайниддин жоме масжиди сари келаётган мўмин-мусулмонлар намоз ўқиш учун саф торта бошладилар. Қуръони карим оятлари ўқилди. Сўнгра Қурбон ҳайитининг пайдо бўлиш тарихи, у фақат қурбонлик маросимидан иборат эмаслиги, бу кунларда бева-бечоралар, етим-есирлар, касалмандлар, кўнгли ўксиклар ҳолидан хабар олиб, имкони бўлса унга моддий ёрдам бериш, йўқса оғриқ дилларга малҳам бўлиш динимизнинг азалий одати эканлиги ҳақида гапирилди.

Тонг отгандан сўнг бир неча дақиқа ўтгач, жамоа бўлиб Ийд Қурбон ҳайити намози ўқилди. Намоз сўнгида Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан юртимизда тинчлик ва барқарорлик янада зиёда бўлиши, ушбу ибодатлар, қилинажак қурбонликлар Яратганнинг ўз даргоҳида қабул қилиниши, муқаддас Ҳаж сафарига кетганлар сафари бехатар бўлиб, соғ-омон қайтиб келишлари сўралиб дуолар қилинди. Ибодат тугагач мусулмонлар ён-атрофдагиларни Ийд Қурбон ҳайити билан қутлашди. Шундан сўнг масжидга келган айрим ҳамшаҳарларимиз билан суҳбатлашдик.

**• Тошпўлат ОЛИМЖОНОВ:**

— Мана бугун муқаддас Исломнинг икки байрамидан бири — Ийд Қурбон ҳайити бошланди. Биз инсонларни ўзаро боғлаб турган нарса, жамиятимизни барқарор этиб турган туйғу меҳр-мурувват, саховат, эзгулик, оқибат, бир сўз билан айтганда Исломнинг муқаддас анъаналари эканининг доимий гувоҳимиз. Одамларимизнинг чеҳраларига қараб, кўзлардан иймон нури ёғилиб турганини англаш қийин эмас. Президентимизнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» дея хитоб қилганлари бежиз эмас. Зеро қалбдаги бори албатта зоҳирга чиқади.

**• Мирзааҳмад ҳожи АВАЗОВ:**

— Мана шу кунларда бундан икки йил аввалги ана шундай улуғ айём дамларини завқ билан эслаб юрибман. Бундан икки йил аввал Қурбон ҳайити намозини Ҳаж зиёрати пайтида Каъбада ўқиган эдик. Ана шундай муқаддас дамлар нафаси бугун юртимизда ҳам кезмоқда. Бунинг барчаси мустақиллигимиз шарофати билан албатта. Истиқлол бизда ана шу байрамимиз туфайли меҳр-оқибат, сахийлик каби қонимизга сингиб кетган фазилатларни қайта жонлантирди.

Худди шу куни шаҳримизнинг бошқа жоме масжидларида ҳам Ийд Қурбон ҳайити намози ўқилди. Жонлиқлар сўйилиб, мискинлар, ёлғиз касалмандларга эҳсонлар қилинди. Янги келин тушган хонадонларга меҳмонлар тўлди.

*Абдумажид АБДУРАҲИМОВ.*





*СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманидаги Тўрабува жоме масжидида Ийд Қурбон ҳайити айёми пайти.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

# ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 2 (86) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

***Ўзбек халқи ўзининг ерга бўлган меҳри, уни парвариш қилиши билан ажралиб туради. Ҳар бир ўзбек хонадонидан райҳон, бинафша, атиргул иси уфуриб туради, гултожихўроз, намозшомгулларсиз ҳовли бўлмайди. Ўз ён-атрофини озода ва кўркам тутиш ҳар бир ўзбек фарзанди учун ҳам фарз, ҳам қарздир.***

Хабарингиз борми?

## ГУЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

Миллий қадриятларимизда инсон экологияси алоҳида ўрин тутади. Бу Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат, ота-онага ҳурмат-эътибор, ўзга инсонларнинг дардини ҳис эта олиш, яъни ҳаётга гўзал муносабатда бўлиш, бошқача сўз билан айтганда, гўзалликни ҳис эта олишдир. «Экосан» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси гул ва қуш ишқибозлари билан биргаликда шаҳримизда Аёллар йили, гуллар ҳамда баҳорга бағишланган гуллар ва қушлар кўргазмасини ўтказиш арафасида. Кўргазманинг ўтказилиш вақти 1-2 май бўлиб, гуллар очилиши вақтига мос келади. Ушбу байрамга биз барча тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонларини таклиф қиламиз. Кўргазма жараёнида баъзи гуллар ва манзарали дарахтларнинг уруғлари шаҳар «Экосан» жамғармаси томонидан бепул берилади. Ушбу кўргазмада иштирок этмоқчи бўлганлар қуйидаги телефонларга мурожаат қилишлари мумкин: 41-38-98.

*Шоира ИБРОҲИМОВА,*
*«Экосан» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими директори.*







*Табиатнинг шундай гўзал дамларида шўх рақсларга тушиш, яқин кишилар билан гуллаган дарахтлар тагидаги ўриндиқда ўтириб дилдан суҳбатлашишга нима етсин.*
*Рустам Шарипов олган суратлар.*

Сарҳисоб

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳайъатининг «1998 йил Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг иш фаолияти якуни ҳамда Тошкент шаҳар атроф-муҳитининг ҳолати ва соғломлаштириш чоралари» тўғрисида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Ҳайъат таъкидладики, қўмита ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари, шаҳримизнинг экологик ҳолатини яхшилашда ва уни соғломлаштиришда кўпгина ишларни олиб борди. Хусусан, 1998 йилда шаҳар корхоналари табиатни муҳофаза қилиш бўйича 199 тадбир ўтказиш белгиланиб, шундан 90 тадбир атмосфера ҳавосини, 109 тадбир сувни муҳофаза этишга мўлжалланган эди. Амалда 143 жами тадбир бажарилди. Бажарилган тадбирлар ҳисобига атмосфера ҳавосига чиқазиладиган зарарли чиқиндилар 1195,1 тоннага камайди. Очиқ Қорасув каналига ифлос сувларни ташлайдиган иккита манба тугатилди. Натижада 81,87 минг куботонна зарарли оқава сувлардан халос бўлинди. Ҳажми йилига 1 миллион 200 минг кубометр шаҳар канализациясига ташланадиган иккита ифлосланган манба йўқотилди. Кунига 315 куботонна ҳажмида айланма ва такрорий узлуксиз битта сув таъминот тизимини татбиқ этилди. 45 та чангтозалагич қурилмаси ишга туширилиши ва қайта таъмирланиши ҳисобига ҳавога чиқазиладиган зарарли чиқиндилар 40 тоннага камайди.

Ўтган йил мобайнида корхоналар ва ташкилотларда 2004 та назорат текшируви ўтказилди, бу эса 1997 йилга нисбатан 14 фоиз кўпдир. Назоратчилар томонидан кўрсатилган қоидаларни бузиш бўйича 450 та раҳбарга 726,6 минг сўм жарима солинди. Халқ хўжалигининг 33 та тизими табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлиги учун иш фаолияти тўхтатилди. Цех, участка ва силжиш манбаларидан фойдаланиш тўхтатилгандан сўнг ҳавога чиқазиладиган зарарли чиқиндилар 352 тоннага ва тозаланмаган оқава сувлар ҳажми 161,6 минг кубометрга камайтирилди.

Ҳавони ифлослантирувчи заҳарли чиқиндилар асосан автотранспорт воситалари ҳажми ҳисобига бўлиб, улар 74,7 фоизни ташкил қилади. Ўтган йилда режа бўйича 164 корхонада 166 марта текшириш ўтказилди. 157 автомобиль кўздан кечирилди. Уларнинг 122 тасининг чиқарган дудларида углерод қуруми ҳаддан зиёд кўп эканлиги аниқланди. 386 автомобилнинг 42 таси ишлатишга яроқсиз деб топилди. 86 автомобилни ишлатмаслик ҳақида қарор қабул қилинди. Шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ДАН ходимлари билан 2 марта «Тоза ҳаво» тадбири ўтказилди. Тадбир давомида 42 автокорхона, 7 та техник хизмат кўрсатиш устахонаси, 28 ёнилғи қуйиш шохобчалари назорат қилинди. «Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамияти 40 фоизгача, «Файзкарьер» жамоа корхонаси 16 фоизгача, «Равшан» ҳиссадорлик жамияти ва 127-автокорхона 13 фоизгача, 142, 145-автокорхоналарда 13 фоиз, 8-автобус паркида 10 фоизгача автомашиналар меъёрдан ортиқча чиқиндилар чиқарган ҳолда йўлга чиқарилган.

«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти ва «Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли махсус автокорхоналарда, «Тошқурилиштранс»га қарашли 4-, 9-, 10-автокорхонага ва айрим бошқа автокорхоналардаги чиқинди ва тутунларни текшириш анжомлари стандартлаштириш ташкилотларидан ўтмаган. «Шоҳруҳ» автокорхонасида «Ўзмелиосувтранс»га қарашли 1-Автокорхона «Нилуфартранс» автокорхонасида диагностик хизмат бурчаклари мутлақо йўқ. «Тошнефтьмаҳсулот» автокорхонасида, 142-, 2512-, 1-, 145-автокорхоналарида атмосфера ҳавосига чиқиндиларни чиқариш учун махсус рухсатнома тайёрланмаган.

Шаҳримизнинг биология манбалари тобора йўқолиб бормоқда. Аҳоли яшайдиган жойларда баргларни, ахлатни ёқиш ва кўкаламзорлаштирилган майдонларнинг дарахтларининг сабабсиз қирқилиши ҳисобига камайиши экологик ҳолатга таъсир қилмоқда. Шаҳарда зарарли чиқиндиларни сақлаш ва қайта ишлаш муаммоси ҳалигача ҳал қилинмаган. Қабул қилинган табиатни муҳофаза қилишга оид қонунлар тушунтириш, экологик экспертиза бўйича меъёрий ҳужжатлар етарли эмаслиги атроф-муҳит муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ишига салбий таъсир қилмоқда. Юқорида кўрсатилган масалаларга асосланиб, қўмитанинг кенгайтирилган ҳайъати 1999 йилда Тошкент шаҳрининг экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида, шаҳар ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитни соғломлаштиришга мўлжалланган янги дастури тасдиқланди. Шунингдек, шаҳарнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилашда ишлаб чиқариш корхоналари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, санитария-эпидемиология бошқармаси, ДАН санитария-милицияси, шаҳар ва вилоят сув хўжалиги ташкилотлари томонидан қабул қилинган тадбирларнинг бажарилишини қатъий назоратга олиш лозимлиги таъкидланди.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг ва ташкилотларнинг раҳбарларига 1998 йилда бажарилмай қолган тадбирларни шу йилнинг 1 июлигача бажариш топширилди. Республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан табиатни муҳофаза қилиш бўйича чиқазилган асосий қонунларининг кенгайтирилган тушунчаларини ишлаб чиқиш, керакли меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва ишлаб чиқиш, табиатни муҳофаза қилишда ишлатиладиган иқтисодий йўлларни такомиллаштириш масалаларини тезлаштириш сўралиши лозимлиги билдирилди. Шаҳар халқ таълими бош бошқармасига мактабларда ва мактабгача тарбия муассасаларида экологик тарбияни яхшилаш мақсадида экология фани асосларини ўқитиш дастурини ишлаб чиқишни тавсия қилиш айтилди.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси пойтахтнинг атроф-муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тадбирларининг бажарилиши, давлатимизнинг шу масалалар бўйича чиқарган қарорлари ва кўрсатмаларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатадиган бўлди. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилишини таъминлаётган, меъёр ва қоидаларини бузаётган раҳбарларга нисбатан талабчанликни ошириш ва уларни жавобгарликка тортиш лозимлиги таъкидланди.

Табиатдан фойдаланишда иқтисодий омилларни тўлаликча ишлатиши, янги, замонавий, чиқиндисиз технологияларни ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилишини тезлаштириш, экологияни ифлослантирувчи ишлаб чиқариш манбаларни йўқ қилишни таъминлаш лозим. Ажратилган майдонлардан тўғри фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш ҳудудларини кенгайтириш, сув манбаларининг санитария-экология ҳолатини яхшилаш керак.

Ишлаб чиқариш корхоналардаги табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни, ташкилотларни, ўқитувчиларни, шифокорларни ва пенсионерларни кенгроқ жалб қилиш ва бошқа чиқиндиларни қайта ишлаш ва кўмиш учун мўлжалланган қурилиш майдонини ажратиш масаласини тезлаштириш зарур.

*Мажид РАИМОВ.*

Тадбирлар

## «ЭКОЛОГИЯ БАЙРАМИ»

***Чилонзор туманидаги 66-махсус меҳнат мактабида «Экология байрами» ўтказилди.***

Унда болалар она табиат, хусусан ўсимликлар ва жониворлар ҳақидаги шеър ва қўшиқларни маҳорат билан ижро этишди. Мактаб залига қўйилган турли хил экспонатлар ва расмлар, «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонот ва наботот олами вакиллари ҳақида сўзлаб беришди.

Шундан сўнг «Сиз она табиатни биласизми?» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Унда ғолиб деб топилганлар китоб, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланишди. Байрамда экология мавзуида ижод қиладиган ёш рассомларнинг расмларидан иборат кўргазма ҳам ташкил этилди. Байрамдан сўнг юқори синф ўқувчилари мактаб боғига бир жуфтдан дарахт ва гул кўчатлари ўтказишди, мавжуд дарахтларга шакл бериб, таналарини оқлашди.

*Дилдора НУРМАТОВА,*
*мактаб илмий бўлим мудири.*

Текширувлар

## РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

***Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари томонидан саноат корхоналарида текширилиш ўтказилиб, қуйидаги камчиликлар аниқланди:***

● Акмал Икромов туманида жойлашган «Муродли» хусусий фирмаси томонидан «Кўкча» каналининг 25-30 метр устки қатламни бетон плиталар билан ўзбошимчалик билан беркитилган ва сув ресурслари қоидаси бузилишига олиб келган. Бошлиқ А. Иноғомжоновга 72-моддага асосан 2640 сўм жарима солинган.

● Ҳамза туманида жойлашган «145-автокорхона» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида қудуқ сувидан фойдаланиш учун рухсатномаси олинмаганлиги учун бош муҳандис Э. Раҳимовга 74-моддага асосан 2500 сўм жарима солинган. Шу корхонанинг қозонхонасидан чиқаётган газ ва заҳарли моддалар назорат қилинмаяпти. Ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи Ф. Ғофуровга 95-моддага асосан 3960 сўм жарима қилинди.

● Мирзо Улуғбек туманидаги «Тошшаҳартрансэкспедиция» ҳиссадорлик жамиятида чиқинди мойлар сақланадиган ва автомашиналар турадиган жойда ерга мой тўкилиб, ер ости сувларини ифлослантирмоқда. Шунинг учун маъмурий хўжалик бошлиғи М. Бурхоновга 72-моддага асосан 1350 сўм жарима солинди. Шу корхонанинг автомобиль созлаш устахонаси бошлиғи Л. Гиликов иссиқлик тармоғидаги қудуқларга карбид ташлаб ер ости сувларини ифлослантиргани учун 72-моддага асосан 1320 сўм жарима солинди.

● Собир Раҳимов туманидаги «Кўзгу муҳаббати» масъулияти чекланган жамиятининг таъмирлаш бўлимида чархлаш дастгоҳи чанг тозалаш қурилмасига уланмасдан ишлатилганлиги учун бўлим бошлиғи Б. Мирзаевга 86-моддага асосан 2500 сўм жарима солинди.

● Чилонзор туманидаги «Герметик» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни рухсатсиз чиқарилганлиги учун бош муҳандис Г. Зеленскийга 85-моддага асосан 3960 сўм жарима солинди.

● Чилонзор туманида жойлашган «Виртусо» масъулияти чекланган корхона иш фаолиятини давлат экологик экспертиза хулосасига асосланмаган ҳолда иш юритмоқда. Раҳбар Н. Корначёвга 96-моддага кўра 3960 сўм жарима солинди.

● Миробод туманидаги 1-троллейбус депосида троллейбусларни таъмирлаш цехида мой тўкилган ва шу туфайли ер ости сувлар ифлосланган. Бўлим бошлиғи Н. Камоловга 72-моддага кўра 2600 сўмга жарима солинган.

● Миробод туманида жойлашган 142-автотранспорт корхонасида атмосферага заҳарли моддалар чиқариш рухсатномаси муддати тугаган бўлса-да, жамоа фаолияти тўхтатгани учун раҳбар С. Халиловга 85-моддага асосан 2500 сўм жарима солинган.

● Чилонзор туманидаги «MARMAR-SERVIS» хусусий фирмасида мармар тошдан маҳсулот ишлаб чиқариш цехи лойиҳаси давлат экологик экспертиза бўлимига тақдим этилмаган ва ижобий хулоса олинмагани учун бошлиқ С. Темировга 96-моддага асосан 1500 сўм жарима солинди.

● Акмал Икромов туманида жойлашган 2512-автокорхона ҳудудида жойлашган артезиан қудуғи учун сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаси муддати тугаган бўлса-да корхона ишдан тўхтамагани учун бош муҳандис А. Юсуповга 74-моддага кўра 1500 сўм жарима солинган.

● Акмал Икромов туманидаги «Автоқурилиш» масъулияти чекланган жамиятда ёғочни қайта ишлаш цехида заҳарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун цех бошлиғи Р. Багирянга 86-моддага кўра 1500 сўм жарима солинди. Шу корхона табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан рўйхатдан ўтмаганлиги ва корхона ёнидан ўтган канал қирғоғига чиқиндилар ташланганлиги учун бош муҳандис Д. Мақсудовга 95-моддага кўра 9240 сўм жарима солинган.

● Акмал Икромов туманида жойлашган 2512-автокорхонасида саноат чиқиндиларини жойлаштириш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талаблари бузилганлиги учун ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи М. Умаровга 91-моддага кўра 1320 сўм жарима солинди.

● Акмал Икромов туманидаги «Автосайёҳтранс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти корхонасида ифлослантирувчи моддаларни меъёрдан ортиқ бўлган транспорт воситалари фойдаланишга чиқарилганлиги учун автотранспорт таъмирлаш устахонаси бўлим бошлиғи М. Олимжоновга 87-моддага асосан 1500 сўм жарима солинди.

*Расул МЎМИНОВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.*

Туманларда

## ТАҲЛИЛЛАР НИМАНИ КЎРСАТАДИ?

***Бектемир туманидаги корхоналарнинг табиатни муҳофаза этишдаги фаолияти билан танишганимиздан бери бир йилга яқин вақт ўтди. Бу сафар жарима солинганлик ҳақидаги қуруқ рақамлар, қўмитамиз нозирлари томонидан кўрилган чоралардан қочиб, корхоналар фаолиятини таҳлил этиб кўрамиз.***

Афсуски, бир қатор иқтисодий ва маънавий муаммолар туфайли Мотор заводи ва «Янтоқ-Брит» қўшма корхонасида чиқиндини чиқариб ташлашга меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва рухсатнома олиш масаласи жуда узоқ муҳокама этилмоқда. Қуйидаги корхоналарда қўмитамиз нозирлари берган тавсия огоҳлантиришлар писанд этилмаётир:

1. Б. К. «Интрас» — чиқинди манбаларини жиҳозлаш ҳамда саноат ва маиший чиқиндиларни меъёрлаштириш масалалари ҳал этилмаган.

2. «Зин-У» қўшма корхонаси — чиқинди манбалари масаласи ва саноат чиқиндиларини меъёрлаштириш иши бир йил давомида ҳам очиқ қолган.

3. «Тошқурилиштранс»га қарашли 9-автокорхона — ҳавога заҳарли чиқиндилар чиқарувчи манбаларни жиҳозлаш муаммоси ўтган йилнинг март ойидан бери ҳал этилмаган.

Умуман олганда чиқинди ташлашни меъёрлаштириш муаммоси бошқа саноат корхоналарида ҳам мавжуд, лекин уларда муаммо ҳал этилмоқда ва лозим бўлган ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда: булар — «Бектемир Қурилиш Конструкцияси» ҳиссадорлик жамияти, 1-автокомбинатдир. Автохўжаликлардаги оғир аҳволга қарамай табиат муҳофазасига оид қонунлар талаблари бажариш борасида имкониятлар излаб топишмоқда ва 1998 йили ҳавога чиқинди чиқариш бўйича Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига тасдиқлатиш учун меъёрий ҳужжатларни қуйидаги корхоналар тақдим этишди: 15-автокорхона, «Қишлоққурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, «Фаотранс» ҳиссадорлик жамияти, «Агроқурилишмажмуа» тижорат корхонаси, Бектемир темир-бетон буюмлари тажриба заводи.

Махсус ускуналарда ҳавони тозалаш бўйича талаблар кўнгилдагидек бажарилмаётир. Шу сабабли «Бектемир Қурилиш Конструкцияси» ҳиссадорлик жамияти, «Иргидромаш» заводида муаммолар мавжуд. Қайта ишланган, таркибида симоб бўлган лампалар борасида муаммолар мавжуд, хусусан атиги икки корхонада — Мотор заводи ва «Сувмаш» корхонасида сақланиб келинаётган симобли лампаларни кўмиб ташлаш масаласи ҳал этилган. Чирчиқ дарёси соҳиллари ҳам тозаланишга муҳтож, бу ерда саноат чиқиндилари тўпланиб қолган. Бу масалани доимо назорат остида ушлаб туриш оғир албатта, лекин барчанинг саъй-ҳаракати билан уни бартараф этиш мумкин.

Ташкилот ва корхоналарнинг табиатни муҳофаза қилиш борасида бир йилга режалаган тадбирлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Режалар тузилганда жуда катта ишлар мўлжалланади, аммо уларни бажаришга келганда бошқача манзара кузатилади, амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотномалар эса Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига умуман келиб тушмайди. Ишонамизки, корхона раҳбарлари ўз ҳудудларида табиат муҳофазаси ишига жиддий ёндошадилар, акс ҳолда қўмитамиз нозирлари лозим бўлган чораларни кўришга мажбурлар, қолаверса атроф-муҳитга ғамхўрлик қилиш ҳар биримизнинг умумий ишимиздир.

*Алексей КАРАЕВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозири.*

*Саҳифа материалларини Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.*

Шаҳар хўжалиги мавзуида

## МАҚСАД — СИФАТЛИ ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ

***Кейинги пайтларда очиқ турдаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссадорлик жамиятида бир талай ижобий ишлар амалга оширилди. Бироқ ҳали қилиниши лозим бўлган бир талай ишлар мавжуд. Бу ҳақда сўзлаб бериш учун ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Саидакбар АЪЗАМОВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.***

**— Саидакбар Аъзамович, бир пайтлар телефон ўрнатиш учун узоқ йиллар навбатда туриш, қанчадан-қанча югур-югур, қоғозбозлик, ҳатто таниш-билиш орқали мақсадга эришилар эди. Ҳозирги пайтда бу борадаги масалалар қандай ҳал қилинмоқда?**

— Ҳақиқатан ҳам илгари мижозларимиз олдида шундай муаммо турар эди. Бу масала кўп қаватли уйларда маҳаллаларга нисбатан осонроқ ҳал қилинарди. Биз бу масалани ҳал қилиш учун 10-15 йил ва ундан кўп навбатда турган фуқароларнинг аризаларини, турар жойларини ўрганиб чиқдик. Ўз кучимиз ва аҳоли маблағи ҳисобига янги ҳамда қўшимча алоқа иншоотларини қурдик. Бу ишни бошлаган пайтимизда қўлимизда хонадонларга телефон ўрнатиш ҳақида 90 мингдан ортиқ ариза бор эди. Ана шу аризалар сони 1998 йилнинг охирига келиб эса 29 мингдан ошмади. Бу аризаларнинг асосий қисми ўтган йил охирги чорагида кескин камайди. Ҳар бир тармоқ ва АТС ходимлари билан учрашиб, аҳоли талабини ўрганиб чиқдик. Кейин эса барча муаммоларимизни танлаб, Тошкент шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдик. Натижада ҳокимлик ташаббуси билан ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари раҳбарлигида шаҳар ҳокимлигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда туман ҳокимлари, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, «Маҳаллий Телеком» акционерлик компанияси, очиқ турдаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссадорлик жамияти (ТШТТ «ОТҲЖ») раҳбарияти ва масъул ходимлари иштирок этишди. Ушбу йиғилишда телефонлаштиришни ривожлантириш, алоқа сифатини яхшилаш борасидаги масалалар кўриб чиқилди ва ҳар бир ташкилотнинг бу борадаги ишлари аниқ белгилаб олинди. Ҳозирги кунда ушбу режа асосида иш олиб боряпмиз. Асосий мақсадимиз хонадонларга ўз вақтида телефон ўрнатиб беришдир.

**— Пойтахт телефон тармоғида доимо бир муаммо мавжуд. Бу ҳам бўлса хонадон ва ташкилотлардаги телефонларнинг яхши ишламаслиги...**

— Кўрсатилаётган телефон алоқа хизматининг сифати энг долзарб масалалардан биридир. Сифатни яхшилаш мақсадида авваламбор эътиборни АТСлараро алоқа воситаларига қаратдик. 51-51-АТСлар орасидаги эскирган ускуна ва кабеллар «СИМЕНС» фирмаси маҳсулотларига алмаштирилди. 48-АТСдан 15 та йўналиш бўйича радиореле билан 1400 канал ташкил этилди. 21 та йўналиш транспорт ҳалқасига уланди. 24-34, 34-24-АТСлар йўналишларида ҳам шундай ишлар амалга оширилди. 53-АТС бўйича ҳам саккизта йўналиш радиореле каналларига ўтказилди.

Булардан ташқари тармоқ кабелларини асосан ўз кучимиз билан таъмирлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Телефон алоқаси сифатини яхшилашда бу қилаётган ишларимиз ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**— Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар барча корхона ва ташкилотлар учун асосий муаммо бўлиб турибди. Бу масала сиз раҳбарлик қилаётган корхонада қандай ҳал этилмоқда?**

— 1998 йили дебитор қарзларни камайтириш борасида иш олиб борилди. Йил бошида тармоғимизнинг дебиторлик қарзи 557,6 миллион сўмни, шундан муддати ўтгани 70 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1999 йилнинг 1 январига келиб 310 миллион сўмга тушди.

Қарзларни камайтиришда лимит-кредит тизими яхши натижа бермоқда. Беш минг сўмдан ортиқ қарзи бўлган мижозларни назорат қилиш осонлашди. Халқ хўжалиги сектори бўйича тўлов қоғозлари ойига икки маротаба беріляпти. Барча сўзлашувларни ҳисоб-китоб қилиш техник дастури мукаммаллаштирилмоқда. Жамоамизда дебитор қарзларни ундириш инспекцияси ташкил қилганмиз. Бу ишларга бошқарманинг барча ходимлари жалб этилган.

Ташкилотлар билан мунтазам иш олиб борилмоқда, биргаликда далолатномалар тузилиб, қарзларни ундириш учун халқ хўжалиги судларига, прокуратураларга ҳужжатларни юбордик. Суд муассасаларига 171 та, прокуратураларга 188 та ҳужжат топширишди, 24695 та даъво хатлари жўнатилди.

Шаҳар ҳокимлигининг Молия бош бошқармаси билан маҳаллий бюджетдаги ташкилотлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб баённомалари тузилмоқда. Ушбу ҳисоб-китоб баённомалари орқали 108,8 миллион сўм дебитор қарз ундиришди. Кўпгина корхоналарнинг молиявий аҳволи оғирлиги дебитор қарзларни камайишига салбий таъсир кўрсатмоқда. «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти, «Ўзқурилишсаноат» ассоциацияси, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси шулар жумласидандир. Ҳар ой мунтазам равишда катта миқдорда қарзи бўлган ташкилотлар рўйхати шаҳар ҳокимлиги қошидаги пул-кредит ҳайъатига ҳам тақдим этиляпти.

**— Замонавий техника ва технологиясиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу маънода шаҳар телефон тармоқларини илғор алоқа асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш жараёнлари қандай кечмоқда?**

— Айни пайтда тармоқда 67 та АТС хизмат кўрсатмоқда, улардан 16 таси умумий қуввати 101,7 минг рақамга эга янги электрон АТСлардир. Яқинда «Ўриксор» даҳасида янги АТС ишга туширилди. Ҳозирги кунларда аҳолига хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида ахборот-ҳисоблаш Марказини замон талабига жавоб берадиган даражада жиҳозлашни режалаштирганмиз.

Шаҳардаги барча АТСларни янгича тизим — вақтбай усулига ўтказишни йўлга қўймоқчимиз. Барча ниятларимиз амалга ошса, замонавий техника ва технологияларни ҳаётга тадбиқ этишда кўпгина масалалар ҳал бўларди. Бундан ташқари, аҳоли ва ташкилотлар билан бўладиган барча хизмат турларини автоматлаштириб, компьютерлар тизимидан фойдаланишни кенг йўлга қўямиз.

**— Анъанавий савол: келгуси режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Ҳали айтганимдек, келгуси режаларимизнинг асосий негизи — телефон тармоқларини ривожлантириш, аҳолига телефон хизмати кўрсатиш сифатини ошириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Аҳолининг телефонга бўлган талабини ўрганган ҳолда шу йили ва келгуси йилларда кўчма концентраторлар қуриб, электрон АТСларни ишга туширамиз. Мен Юнусобод туманидаги 22/23-АТСда, Ҳасанбой даҳасидаги 29-АТСда, ТошМИ, «Қурувчи» даҳаларидаги ишга туширишга мўлжалланаётган рақамли электрон АТСларни назарда тутяпман. Бу ишлар ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. «АЛКАТЕЛ» ва «СИМЕНС» фирмалари билан ҳамкорликдаги режаларимиз ўз самарасини беришга умид қиламиз. Барча саъй-ҳаракатларимиз шаҳар аҳолисига сифатли телефон алоқа хизмати кўрсатишга қаратилгандир.

*Иззат АҲМЕДОВ*
*ёзиб олди.*

ОҚИБАТ илдизининг ўзаги чуқур, тармоқли бўлиб вафо, садоқат, бурч каби илдизлар унинг негизини ташкил этади. Олинган билимлар ва ҳаётий тажрибалар одамнинг баркамоллигини тўрт нарса: Ватанга, ота-онага, устозга, дўстга кўрсатилган оқибат билан белгилайди. Шу сабаб бўлса керак оғзаки ва ёзма нутқимизда «Оқибатли дўст», «Оқибатли фарзанд», «Оқибатли инсон» каби атамалар вужудга келган.

Ватан — оила ва маҳалладан бошланади. Шу икки маконга меҳр қўймаган кимса юртига ҳам муҳаббатли бўлолмайди. Иймонли одамгина Ватан фидокори бўла олади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида юз минглаб турли миллат вакилларининг очлик туфайли Ўзбекистонга кўчириб келтирилганлиги ҳақидаги кўплаб кино тасмаларини томоша қилганман. Бағри кенг халқимнинг уларга уй тўрини бўшатиб берганини, бир бурда нонини бола-чақасидан қийиб уларга раво кўрганини эшитганман. Лекин тўқликка шўхлик қилиб, юртимизнинг энг қуюқ қаймоғини сузиб, барча имтиёзларини симирган, унвон-у даражаларини кемирган ва вақтинча қийинчиликлардан чўчиб ўзга юртларга равона бўлганларини эса ўз кўзим билан кўрдим.

Мана сизга оқибат... «Ёғ ялаганда ёт, қор ялаганда қариндош кунингга ярайди», — деб шунга айтсалар керак.

Мустақиллик тонги зулматда ётган юзлаб Ватан фидойиларининг ёрқин сиймосининг қайта тикланишига имкон берди. Манглайига «Халқ душмани», «Босмачи», «Унсур», «Ёт» тамғалари босилган авлодларимиз эндиликда юрт халоскорлари эканлиги исботланди.

Ватан ҳақида шоир шеър, адиб ҳикоя, бастакор мусиқа яратгани ё хонанда қўшиқ куйлагани, нотиқ эса кўксига уриб тўтиқушдай юрт сўзини қироат қилгани билан ватанпарвар бўлиб қолмайди. Аксинча, у чин дилдан, беминнат ўз бурчини ўтамоғи керак.

Тошкентнинг Дўмбиробод маҳалласида Ниғмон отани барча ҳурмат қиларди. 85 ёшга етиб вафот этган отахон уруш ногирони, қатор нишонлар соҳиби эдилар. Ишонасизми, у киши «Мен уруш фахрийсиман» дейишга ийманардилар, «Имтиёз» сўзини миннат деб билардилар.

Минг афсуски, бунинг акси бўлган жуда кўп инсонларга дуч келганман. Улар игнадек хизматларини туядек кўрсатиб, шаллақилик билан давлатни зулукдек сўришга одатланган одамлар эди.

*Эзгулик уруғин сепгил қалбларга*
*Ҳосил умид этмай холис, беминнат.*
*Ибрат ол қуёшдан — буюк заминга*
*Таъмасиз толмайин этади хизмат.*

* * *

«УСТОЗ отангдан улуғ», деган халқибораси бор. Бетакрор халқ санъаткори Фахриддин ака Умаров: «Отадан улуғ нарса бўлмайди» иборасини «Устоз отангдек улуғ», дея шарҳлайдилар. Бу ниҳоятда топиб айтилган ҳикмат. Устоз бўлиш ёхуд муносиб шогирд бўлиб етишиш бахтига ҳар ким ҳам муяссар бўлавермайди. Зеро устод — ота, шогирд — фарзанд. Ота фарзандни балоғат ёшига етказади. Устоз эса йигит умрининг асосий мезонини, яъни ҳал қилувчи босқичини белгиловчи бир даврда камарбаста бўлади. Бу масъулиятли, мураккаб босқичда раҳнамолик этиш ҳатто отанинг ҳам қўлидан келмаслиги мумкин. Чунки мустақил ҳаётга атак-чечак қилаётган ўсмир учун тўғри йўл кўрсатиш қобилиятига ҳар ким ҳам эга бўлавермайди. Шу сабаб ота фарзандини шогирдликка узатаётган пайтда муаллимга: «Суяги меники — эти сизники», деб айтган умидли сўзлари салбий маънода бўлмаса керак. Устозни боғбонга ўхшатишади. Ҳа, бу тўғри ташбеҳ. Аммо устоднинг боғбондан фарқи шуки, устоз ўз меҳнати мевасини ололмаслиги ёхуд олса ҳам жуда кеч олиши мумкин. Боғбон ҳосилидан баҳраманд бўлай деб умид ва мақсад билан дарахт экади. Мураббий эса дилида, шогирд «Билим ва ҳунар ўргансин, ўз халқи учун фойдали инсон бўлиб етишсин», деб ният қилади. Ўз меҳнатини беминнат сарфлайди, ҳатто вақти келиб азиятлар ҳам чекади.

## Ҳаёт сабоқлари

# ОҚИБАТ

***Одатда инсонни жониворлардан фарқловчи воситани забон деб атайдилар. Балки бу бир жиҳатдан тўғридир. Аммо инсоннинг инсонийлигини белгиловчи фазилат — бу оқибат бўлса керак. Зеро, нуронийларимиз «Илоҳим оқибат кўтарилмасин», — деб дуога бежиз қўл очмайдилар...***

Ривоят қилишларича, охиратда бир гуноҳкорнинг гуноҳини юмшатишга онаси, ака-укаси, дўстларининг гувоҳлиги ўтмай, танҳо устозининг кафолати ўтар экан. Миллий урф-одатларимиз асрлардан буён устоз ҳурматини бажо келтиришга даъват этиб келган. Бу борада бир неча тарихий далиллар ва ривоятлар мавжуддир. Буюк соҳибқирон Амир Темур устоди Саид Баракани бир умр эъзозлаши, вақти етиб вафот этса бошини устозининг пойига дафн этишни васият этиши ёхуд маънавий муаллимлари ҳисобланмиш Аҳмад Яссавий, Занги ота ва бошқа улуғ зотларга мақбаралар қурдириши ибратли мисоллардир. Ривоят этишларича, шеъриятимиз бобокалони Алишер Навоий дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро билан отда бир маҳалла ҳудудида кетар эдилар. Дафъатан шоирнинг кўзи кўчада ўйнаб юрган 4-5 ёшли гўдакка тушиб от жиловини тортдилар ва бола истиқболига юрдилар. Болани ширин сўзлар ва ширинлик билан суйибдилар. Бироз пиёда юриб отга минганларида Ҳусайн: «Шоирлар султони, бу не ҳол?» — дея сўрадилар. Шунда Алишер: «Узр, Султоним, бу бола устозимнинг набиралари эди», дея жавоб берган.

Минг афсуски, мураккаб ҳаёт ойнаси ношукр, ноқобил шогирдларнинг ҳам башарасини ўз аксида кўрсатди. Булар вақт ўтиши, давр ўзгариши билан «Устоздан шогирд ўзар» мақолини нотўғри англаб, эришган ютуқларини рўёдан билиб, ўзларидан кетиб, оёқлари ердан узилади. Бу бедаво номардлик хасталиги тоталитар тузумда (айниқса амалдорлар ўртасида) кенг илдиз отди.

Кўксимизга қўлимизни қўйиб, бу борада оз бўлса ҳам айбимиз борлигига иқрор бўлишимиз адолатдан бўлур деб ўйлайман.

Кечагина оддий ва содда ходимнинг амал курсисига ўтириши биланоқ унинг феъл-атворини ўзгартирган ким? Ўзимиз эмасми? Лаганбардорлик ширасини ялатиб, сунъий мақтовлар билан пуфакдек шишириб осмонга учирган ким? Биз эмасми? «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин» қабилида оқни қора, қорани оқ деса ҳам «Бу хато» дейишга журъат этмадик, виждонимизга зид иш қилдик. Оқибати нима бўлди? Оқибат — юқорида ота мақомини берган устоз амалдан кетгач, унинг ўрнини эгаллаган шогирд ундан юз ўгирди, номини аташга оғринди. Бу ҳолатни сергак кузатиб турган хайбаракаллачи буқаламунлар раҳбардан вабодан қочгандек қочдилар — янги бошлиқнинг ғашига тегишдан қўрқдилар. Амал курсисидан ажралиб қолмаслик учун ҳатто унга бўҳтон тошларини ҳам отдилар, гўрида ҳам тинч қўймадилар. Минг шукрки, янги бунёд этилаётган жамиятимизда бу яра газак олмай ёрилди — унга аччиқ малҳам қўйилди. Кўплаб эзгу ишлар қатори бу муқаддас юмушни ҳам Юртбошимиз бошлаб бердилар. Марҳум устозлар руҳини шод этдилар, халқнинг дуосига ҳақли равишда сазовор бўлдилар.

* * *

ОТА-она. Бу улуғ зотлар тавсифини дунёдаги энг зукко забон усталари ҳам таърифлашга ожизлик қиладилар. Чунки уларнинг беминнат меҳнатларини ҳеч бир зот баҳолай олмайди. Уларнинг меҳр нурларидан баҳраманд бўлган зурриёт бир умр улардан қарздордир. Олам бунёд бўлибдики, ҳеч бир одам фарзанди бу қарзни узолган эмас, узолмаса ҳам керак.

Дунёда бизнинг давлатимиз, миллий урф-одатимиз каби ота-онани эъзозловчи, уни муҳофаза этувчи, унга муқаддас зот деб қаровчи мамлакат йўқ. Бу айниқса бағримизга мустақиллик шабадалари теккандан сўнг алоҳида сезила бошлади. Жумладан, 1998 йилда Оила йилини якунладик ва Аёллар йили — 1999 йилда дадил қадам ташлаяпмиз.

Мамлакатимизда ота-онани ҳурматлаш бурч деб белгиланган. Пайғамбаримиз ҳадисларида: «Оллоҳ таолога онани рози қилишдек мақбулроқ ҳеч бир амал борлигини мен билмайман» ёхуд «Оллоҳ таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир», — деб марҳамат этилган.

Ривоят қилишларича, бир шаҳарда муслимлик фарзларини аъло даражада бажарган бир нуроний мўйсафид яшар эканлар. Бир куни туш кўрибдилар. Тушларида у кишининг барча амоллари равзойи — жаннат билан тақдирланиши аён бўлибди. Беҳад хурсанд бўлган бобо боқий дунёга ким билан бирга киришини, ул ҳамроҳ кимлигини айтишни сўрабдилар. Шунда мўъжизали овоз: «Фалон шаҳардаги фалон қассобдур», дея сирни ошкор этибди.

Бобо чўчиб уйғонибдилар ва тушда кўрган ҳамроҳлари билан танишиш орзусида сафарга отланибдилар. Тушларида кўрганлари ўнгларида намоён бўлганидан беҳад шод бўлибдилар. Сўраб-суриштириб қассоб дўконига борганларида қувонч ўрнини алам ва шубҳа эгаллабди. Сабаби — у киши билан жаннат боғида сайр этувчи ҳамсоя харидорларга ўта қўполлик билан муомала қилар, гоҳо сўкиниб қўярди. Кўп таажжубда қолибдилар: «Тангри таоло бу зотнинг қайси хислатлари учун у дунёда улуғ мукофот ҳадя этмоқчи?» Шу тугунни ечмоққа аҳд қилибдилар ва қассобга юзланибдилар:

— Эй, муслимун меҳрибон. Мен шаҳрингизда мусофирман. Имкони бўлса хонадонингизда бир кеча паноҳ топсам.

Қассоб рози бўлибди ва дўконни ёпиб ул зотни уйига таклиф этибди. Ҳожи бобо хонадонга ташриф буюргач, бу маконда ҳамроҳидан ўзга ҳеч ким яшамаслигига ишонч ҳосил этибди. Мезбон меҳмонни ширин таомлар билан сийлабди. Пешин вақтида тўсатдан: «Ия, вақт бўлиб, офтоб тушиб қолибди-ку!», дея ўрнидан туриб ишком тарафга юрибди. Сўрининг тепасида осиғлиқ катта саватнинг боғичини бўшатиб аста тушира бошлабди. Ерга эҳтиётлик билан қўйгач: «Ассалому алайкум, толиқмадингизми? Мана бу таомлардан тамадди қилинг, шарбатлардан чанқоғингизни қондиринг», дея сўзлай кетибди.

Ҳожи бобо узоқроқда тургани учун унга саватдан бошқа ҳеч нарса кўринмас, уй соҳибининг саватга тикилиб сўзлаши унга эриш туюларди. Яқинроқ бордилар. Беихтиёр кўзларига ёш келди: воажаб, сават ичида кексаликдан жуссаси ниҳоятда кичрайган, баданидан сув қочган бир кампир ўтирар эди. Бу ҳамроҳининг онаси эди...

* * *

ОТА — мўъжаз Ватан сарваридир. Фарзандларнинг, ҳатто бир бутун авлоднинг ижобий қисмати, эл орасидаги нуфузи унга бевосита боғлиқдир. Зеро, ота маҳалла-кўй, қариндошлар ўртасида обрў-эътиборли бўлса ўз фарзандларининг келажагини яратган бўлади.

Тошкентнинг Себзор даҳасида Турғунхўжа деган олижаноб инсон истиқомат қиладилар. Ул зотнинг қизларидан ташқари тўрт нафар ўғиллари бор. Уларнинг доимо қўллари кўксида, лабидан табассум, кўзларидан нур севинчи аримайди. Бу қобил ўғилларга отанинг сўзи эмас, ярим қараши кифоя. Падар амри дарҳол вожиб. Фарзандларнинг отага бўлган бундай итоаткорлиги, ҳурматининг боисига ўзим жонли гувоҳ бўлганман. Ҳожи аканинг оталари Тиллахўжа бобо завжаларининг вафотларидан сўнг уйланмадилар. Ёлғиз ўғиллари бўлган Турғунхўжа ака қиблагоҳининг барча юмушларини ўз вақтида бажариб турдилар.

Бир куни хизмат юзасидан у кишининг уйларига кириб ўтдим. Эшон ака эшик томонга орқа ўгириб ҳовлининг ўртасида чўкка тушиб иш билан машғул эдилар. Овоз бермай кузатдим. Шу вақт тош кўнгилларни ҳам эритиб юборувчи ҳодисага дуч келдим: баданга ёқувчи офтобда бобо оёқларини жомашовга солиб ўтирардилар. Ўғил эса падари бузрукнинг илиқ сувда ивиган оёқ панжаларини ювар, уқалар, сочиқ билан аста артиб, ўсган тирноқларини қайчиларди. Дилимдан беихтиёр «Кам бўлманг», деган сўз ўтди.

Ёруғлик билан қоронғулик бир-бирига тўғри келмағанидек, ҳаётда бунинг аксига ҳам дуч келиш мумкин.

Эшик олдида бир ўғил ўта кайф билан отасини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат этарди, ҳатто туртиб ҳам қўярди. Ота эса бошини қуйи солиб қимир этмай сукут сақларди. Ўғил хуморидан чиққач деворни ушлаб нари кетди. Буни кузатиб турган отанинг дўсти сўз қотди:

— Дўстим, бу не ҳол? Ғирт шармандалик-ку! Отани атои худо дейдилар. Ўғлингнинг бу қилмиши учун ўлдирсанг ҳам ҳаққинг кетади-ку?

Ота кўз ёшларини шашқатор тўкиб хирилдоқ овоз билан:

— Оҳ, жўражон, мен бу ишни қилишга ҳаққим йўқ.

— Нега?

— Чунки бундан ўттиз йил аввал мен ва отам ўртасида худди шундай воқеа содир бўлганди.

Ҳа, буни «Қилмиш-қидирмиш», «Қайтар дунё», дейдилар. Ҳаётда хизмат тақдирсиз, хиёнат жазосиз қолмайди.

*Катта-ю кичикка келтирган қайғу*
*Ўғлидан ғам чекиб кетарди эси.*
*Аммо ўпкалашга йўқ эди ҳожат.*
*Ахир у ёшлигин эди нусхаси.*

* * *

ГЎЗАЛ форсий лутфда дўст, биродар, ўртоқ, оғайни, ошна, жўра, улфат атамалари бор. Улар дили яқинлик, ака-укалик, таниш-билиш, суҳбатдош каби маъноларни англатади. Биз ўзаро сўзлашувда кўпроқ дўст сўзини истеъмол қиламиз.

Дўст, дўстлик ҳақида жуда кўп ҳикматлар, назмлар мавжуд, насрий асарлар, фильмлар яратилган. Бу муқаддас номга сазовор бўлиш, унга амал қилиш инсондан катта бурч, вафо, садоқатни талаб этади. Ҳаётда дўстлик ҳатто ака-укадан ҳам юқорироқ қўйилиб, улуғланади. Бу — ҳақ гап. Дўст сўзининг бир мағзини чақиб кўрайлик. Шунда биридан тўқ, биридан пуч маъно чиқишига ишонч ҳосил қиласиз.

Доно халқимиз «Мол дўстинг, жон дўстинг», деган ибораларни ҳикмат китобига битиб қолдирган. Ҳаётда амалинг, бойлигинг, обрўйинг учун дўст тутиниб юрганларни сезмай қоласан. Ушбу мукофотлардан маҳрум бўлинган куни, дўстимдан ҳам айрилдим, деявер. Бу шарафли сўзни бундайлар учун ишлатишнинг ўзи гуноҳ. Уларга асли ошно сўзи мосроқ келса керак. Кўпни кўрган шифокор Ёлқин акадан бир суҳбатда ошно сўзини таҳлил этиб беришни сўрадим. У киши: «бу асли ош — нон сўзидан олинган бўлиб, фақат дастурхонингга шерик бўлувчи, ялтироқ сўзлари билан ўзини сенга дўст деб кўрсатувчи шахсга айтилади», дея жавоб бердилар.

Бу гапда жон бор. Кўп улфатчиликларда бўлганман. Баъзилар бир-икки ойда йиғилишиб ошхўрлик қилиб, қадаҳ сўзлар билан ўзларини содиқ қилиб кўрсатадилар, аммо кейинги гап-гаштаккача бедарак кетадилар. Бу орада улфатларнинг айримларида шодлик кунлари, айримларида эса нохушликлар рўй беради. Буни эса фақат йиғилиш куни учрашганда биладилар.

Музаффар исмли ажойиб инсон билан дўст, ака-укаман.

У кишининг бир неча йиллик ён дафтарчаларини тўпласа каттагина китоб бўлади. Уларда дўстларининг, яқинларининг таваллуд, тўй кунлари, тадбирлари битилган. Инсон ким бўлишидан қатъий назар, қачон қай ҳолатда бўлмасин — кўнгилларини кўтариш учун вақт аямайдилар. Улфатлар билан эса, кунора телефон орқали гаплашиб ҳол-аҳвол сўрайдилар. Мана оқибат!

Ҳа, ҳақиқатан ҳам ёшингиз улғайиб, ҳаётий тажрибангиз ортган сари ўзингиз ҳам бунга гувоҳ бўлиб борар экансиз.

Мен икки дўстни яхши билардим. Улар тенгдош, бир маҳаллада улғайишди, бир мактабда таълим олишди. Ҳатто аскарликда ҳам бирга хизмат қилишди. Хуллас, ораларидан қил ўтмасди. Бири — зиёли бўлса, иккинчиси — тижоратчиликни касб этди. Эл-улус уларга ниҳоятда ҳавас қилишарди. Олдинма-кейин уйландилар. Зиёкор куйди-пишди, тўғрисўз, оддий, меҳрли эди. У энди оилавий дўстликни ривожлантиришга ҳаракат қилди. Аммо бойликка хирс қўйган, тижоратчининг аёли бунга йўл қўймади. Улар билан бир дастурхон атрофида ўтиришни ўзига ор билди. Оқибат — икки ўртоқнинг дўстлигига чек қўйилди, ҳатто эрининг ука-сингилларининг қадамини даргоҳига қўйдирмади. Даҳшатлиси шуки — ишонган дўсти ҳасад шаробидан маст бўлиб ағёрга айланди.

*Ёш бўлсам ҳам бошимдан ўтди кўп савдо,*
*Ширин жоним қилдим дўстларга фидо.*
*Воажаб, гоҳида ишонган тоғинг,*
*Қаршингда тўсиқдай бўларкан пайдо.*

Ҳақиқий дўстни, менимча, инсон муҳтожликка мубтало бўлганда, чорасиз қолганида топади. Қорасарой даҳасида истиқомат қилувчи Файзулла Саъдулла ўғлининг бир фазилати мени у билан дўстликка чорлаган. Ўта вазмин ва ҳотам табиатли бу инсон меҳнат фаолиятини бошлаган биринчи кунида бир инсон билан танишиб у билан дўстлик ришталарини боғлайди. Ўттиз йилдан ортиқ ҳам ишида, ҳам ҳордиқда бирга бўладилар. Тўсатдан рўй берган фалокат дўстидан айиради, бир ой ўтгач марҳум дўстининг умр йўлдоши ҳам ҳаётдан кўз юмади: беш норасида гўдак ота-онасиз қолади. Файзулла ака уларни паноҳига олди. Дўстининг болалари уйли-жойли бўлиб кетдилар. Улар Файзулла акани ота ўрнида кўрадилар. Сабаби — у ўзининг меҳрини, саховатини улардан асло аямади, оиладан оёғини узмади.

*Тутуннинг аччиғини мўри билади,*
*Сув қадрини ернинг шўри билади.*
*Шундай экан, дўстим демак ҳаётда*
*Дўст қадрини дўстнинг зўри билади.*

Оқибат ҳақида мухтасар суҳбат қурдик. Модомики, оқибат сўзининг луғавий маъноси бир ишнинг натижасини билдирар экан, натижа доимо хайрли бўлмоғи эзгулик нишонасидир.

*Шукур ДАДАШ,*
*шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.*



*Собир Раҳимов туманидаги 326-мактабда халқ амалий санъати бўйича қизиқарли машғулотлар олиб борилади. Айниқса, бадиий каштачилик бўлими қизлари тиккан зар дўппи-ю турли турмуш анжомлари кўрган кўзни қувнатиб, барчанинг диққатини тортади.*
*СУРАТДА: 9-синф ўқувчиси Моҳинур Пўлатова.*
*Равиль Альбеков олган сурат.*

## Танловлар




# ҚАЛБИ, ЎЗИ, СЎЗИ ГЎЗАЛЛАР

***Жажжи қизалоқ ҳали 2-3 ёшга тўлар-тўлмас қўлига қўғирчоғини олиб аллалайди, ўзича унга нималарнидир чулдираб тушунтиради, онасининг ҳаракатларини такрорлайди. Эҳтимол ана ўша пайтларданоқ бу мурғаккина қалбда боласига — қўғирчоғига оналик меҳри товланса, у дунёдаги энг муқаддас меҳр — волидалик меҳрига интилса, не ажаб?! Бугун саҳнани ўз кўрку тароватu, лобарлигию назокати, ғururию ибоси билан тўлдириб турган 8 нафар қиз — эртага бўлғуси бека, севимли келинчак, меҳридарё она бўлишига шак-шубҳа йўқ... Уларга боқиб, сўзларини тинглар экансан нафақат ўзи, балки қалби ҳамда сўзи гўзаллигидан қувонасан.***

Миробод туманидаги 154-мактабда бўлиб ўтган ғолиб 8 та мактабнинг қизлари ўртасидаги «Мактабнинг ибратли ўқувчиси — оиланинг ибратли фарзанди — бўлғуси ибратли бека» кўрик-танлови фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Беллашувда қатнашган 8 нафар қиз танловнинг бешта шарти бўйича ўз билим ва маҳоратларини, малоҳату лобарликларини намойиш этишди. Айниқса, уларнинг мустақил Ўзбекистонимиз фарзанди эканликларидан ғурурланишлари, ўлкамиз тарихи ва унинг зарварақларида ўчмас из қолдирган алломаларни яхши билишлари, ўз ота-боболари шажараси ҳақида батафсил маълумотга эгалиги, ҳар бири мамлакатимиз равнақига ўз улушини қўшиш ниятида эканлиги ҳайъат аъзолари ҳамда томошабинларни мамнун этди.

Баҳслашув якунига кўра 214-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилноза Илёсова туман танлови ғолиби деб эълон қилинди.

Ғолибга ва барча қатнашчиларга туман халқ таълими бўлими ҳамда туман «Камолот» ёшлар жамғармасининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

*Шарофат БАХРОМОВА.*
*СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.*
*Рашид Галиев олган суратлар.*



## Анжуманлар

# «ПОЛИСЕПТ» ТАРҚАТИЛДИ

***«Экосан» халқаро жамғармасида грипп эпидемияси ва бошқа ўткир юқумли касалликларга қарши курашиш ҳамда унинг кенг омма орасида тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида вазирлик ва идоралар, корхона, ташкилотлар, халқ таълими, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари ходимлари иштирокида анжуман ўтказилди.***

Йиғилишда аввал таъкидлаб ўтилганидек «Санитар-Экология Отряди» тузилганлиги бугунда эса бу отряд аъзолари отряд томонидан берилган гувоҳномага эга эканликлари ва айни кунларда жойларда тегишли дезинфекция ишларини олиб бораётганликлари хусусида тўхталиб ўтилди.

— Грипп эпидемиясининг бу йил анча оғир шакллари учраб турибди, — деди «Экосан» жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов. — Бу касаллик оқибатида беморларда пневмония хасталиги кузатилмоқда. Шу туфайли бу хасталикка кўплаб одамлар чалинмаслигига ҳаммамиз биргаликда курашмоғимиз лозим.

Дарҳақиқат, бугунги кунда грипп ва ўткир юқумли касалликлар нафақат тиббиёт ходимлари, балки барчамиз олдимизда турган муҳим, энг долзарб муаммолардан биридир. Бу касаллик ҳам экологик муаммолар тоифасидан ҳисобланади. Маълумотларга кўра битта бемор жамоатчилик орасида юриб ўттиз бешта соғ одамни касаллаши мумкин экан. Шу куни сувни электр йўли билан тозаловчи — «Эсперо» электроактиватор аппарати хусусида ҳам фикрлар баён этилди.

Шунингдек, шаҳримиздаги йигирмата мактабга «Экосан» жамғармаси Ўзбекистон—Голландия қўшма корхонаси томонидан тайёрланган бир миллион сўм ҳажмидаги дезинфекцияловчи «Полисепт» моддаси топширилди. Дезинфекциялаш орқали вирусларни ўлдирувчи бу модда ўзининг экологик софлиги билан барча жойда айниқса, бозорларда кенг кўламда қўллаш имконини беради.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

## Шарқ дурдоналари

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Одоб — улуғлик ва юксаклик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча мақсад манзилига етиш мумкин. Шарқ гулзоридан эса барча муддао гулини дасталаш мумкин. Латиф сирларнинг ҳақиқатини англовчилар ва ҳар қандай рамз маъносини тадқиқ қилувчилар айтадиларки, одамийлик рисоласининг дарсларини ўқишга азм қилиб, бахтиёрлик кўчасига қадам қўювчи ҳар бир инсонга, аввало шарму одоб қоидасини ёд олмоқ шартдир. Токи бахт муаллимининг йўлланмаси билан ҳаёт қонунининг илмини идрок қилишда билимли ва уста бўла олсинки, ҳақиқатан ҳам, инсоният учун одоб ажойиб тож ва одамийлик безаги учун қимматбаҳо гавҳардир.

● Шуни чуқур англамоқ керакки, ота учун фарзанддан кўра яқинроқ кимса йўқ ва отанинг фарзандга бўлган муҳаббатининг қанчалик юксаклигини баён қилиш қийин! Лекин шунга қарамай, фарзанд отага нисбатан озгина беодоблик қилса фарзанд муҳаббати ота назарида пастлайди ва унга жазо ва танбеҳ беришга киришади. Агар ота билан фарзанд ўртасидаги аҳвол шу экан бир-бирига алоқаси ва яқинлиги бўлмаган кишилар орасида беадаблик юз берса қандай нохушлик бўлади.

***Бархурдор ибн МАҲМУД.***

● Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг ўзингдан илгарилардан ибрат ол.

● Қанчадан-қанча одамлар ақл билан пастликдан юқорига кўтарилади, қанчадан-қанча қадрли одамлар нодонликка йўл қўйиб, пастлик сари қулайди. Байт:

*Эй ўғил, бу сўзим синалган бешак,*
*Бошида ақли йўқ мисоли эшак!*

● Бошида ақли йўқ одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ. Ақлли одам шундай одамки, бировдан насиҳат эшитиш ўрнига ўзи ибрат кўзи билан боқиб билиб олаверади.

***«Аталар сўзлари»дан.***

● Келтиришларича, бир киши бир донодан насиҳат қилишни сўради: «Ҳовли-жойинг, илму одобинг кимдан қолган?» — деди. У киши: «Отамдан» — деб жавоб берди. Доно унга: «Шунинг ўзи насиҳатдир» — деди ва давом этди, — агар сен яхшилик қилсанг яхшилик қолади, ёмонлик қилсанг ёмонлик қолади!»

● ҲИКОЯТ Кўршапалакдан:

— Оламга нур таратиб, ҳаёт бағишловчи қуёшни кўришдан нечун ор қиласан, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар.

— Ҳаё! — деб жавоб берди у.

***Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.***

● Арасту ҳаким айтади: Улуғликка эришмоқ ғоятда қийин, аммо хорлик ва забунликка тушиб қолиш жуда осон. Одамларнинг айбини қидириб юрган киши улуғлик даражасига эришолмайди!

● Меҳмонларнинг олдида ўз яқинларингни уришма, табассум қилиб ўтир, очиқ юзлилик киши учун катта неъматдир.

● Агар уйингга меҳмон келса «хуш келибсиз» деб очиқ чеҳра билан кутиб ол, меҳмонни очиқ юзлилик билан кутиб олиш катта зиёфат қилиш билан баробардир!

***«Фавокиҳ ал-жуласо»дан.***

● Бир улуғ кишини меҳмонга айтганларида: «Таклифингни уч шарт билан қабул қиламан! Биринчиси шуки, бозордан атайлаб нарса сотиб олмайсан. Иккинчиси шуки, уйингда борини атайлаб яширмасдан олдимга қўясан. Учинчиси шуки, аёл ва болаларингни ҳақини менга едирмайсан!» — дер эди.

● Меҳмон риоя қилиши лозим бўлган одоблардан яна бири шуки, меҳмон мезбонга иш буюрмасин. Чунки буюрган ишини бажариш мезбон учун оғир бўлиши мумкин. Агар меҳмон қандай овқат қилиб бериши ҳақида сўраса енгил овқатни танласин. Улуғ кишилар доимо шундай қилишган.

***Маҳмуд ибн МУҲАММАД.***

● Тамагир кўпгина нарсаларга тама кўзи билан қарайди. Бироқ ҳеч нарсага етолмайди, барибир муҳтожликда қолаверади. Бойлик кишини ҳеч вақт ҳақиқий саодатга етказолмайди. Тамагир эса бахту саодат одамга олтину кумуш орқали келади, деб ўйлайди. Тама орқали тўпланган молу давлат тамагирнинг ўзигагина эмас, ҳатто меросхўрларига ҳам яхшилик келтирмайди. Тама инсоний хислатлардан маҳрум этади.

● Ғийбат қабиҳ феъллардан биридир. Ғийбат оз бўлса-да, келтирадиган зарари денгиз каби бепоён! Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чақаси, хотини, хулқи, бойлиги ҳақида бемаза гапларни гапиришнинг барчаси ғийбат ҳисобланади.

***Хаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ.***

● ҲИКМАТ. Ҳар ким туҳматчилар қаторида ўтирса уни туҳматчиликда айбласалар ўзидан хафа бўлсин. Ҳар ким ўз сирини яширса надомат ва пушаймонлик тортмайди.

● ҲИКМАТ. Ҳар ким зулм ва жафо камарини боғласа унга қарши ғазаб ва фитна ханжарини кўтарадилар. Байт:

*Эл ҳақида ғофил бўлмагин асло,*
*Чунки эл қўлида ўтирган ўзинг.*
*Сендан эл нимани кўрса бир куки,*
*Қайтариб кўради ўшани кўзинг!*

***Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.***

● Аржумандлик байроғини кўтарувчилар ва сарбаландлик ноғорасини чалувчилар шундай кишиларки, улар халқнинг тинчлигини ва осойишталигини ўйлайдилар ва кеча-кундуз шу ҳақда фикр қиладилар, барча кишиларни ўз ака-укаларидек кўрадилар, бировнинг дил шишасини ғазаб тоши билан синдирмайдилар, адоват ва жафо тиконини бечоралик саҳросида юрган ялангоёқлар оёғи остига ташламайдилар.

● Ширинсўзлик ва мулойимлик балони қайтаришга қодир.

● Эй ўғил, сен ҳар вақт гапирмоқчи бўлсанг, аввало гапингни яхшилаб ўйла, сўнг гапир. Зарурат пайдо бўлгандагина гапиришга одатлан. Бўлмаса жим ўтир! Кўп ўйлаб оз сўзлашда ҳикмат катта.

***Бархурдор ибн МАҲМУД.***

● Бировга яхшилик қилган бўлсанг, яхшилигингни айтиб, уни камситма, бировга ичирган ва едирганингни миннат қилиб, заҳарга айлантирма!

● Эвазига нарса кутиб қилинган яхшилик яхшилик ҳисобланмайди, балки у оддий олди-бердидан иборат холос.

● Халққа хайру эҳсон қилиш нақадар улуғ фазилат! Бироқ, бу хайру эҳсон беғараз бўлса яна ҳам яхши!

● Мурувват майдонининг шаҳсувори бўлай десанг, ғараз билан иш қилиб эвазига бировдан фойда олишни ўйлама!

***Абдибек ШЕРОЗИЙ.***

● Дунёда яхшилик ва ёмонликдан кўра узоқроқ яшайдиган нарса йўқ.

● Инсон яхшиликнинг қулидир.

● Одамларни давлатинг етарли ва ишинг юришиб турганда эмас, балки камбағаллик ва ночорлик пайтингда сина. Шунда уларнинг яхши ва ёмон эканини биласан.

● Қўлингдан келганича бировга яхшилик қил, яхшилигинг фойда берса яхши, фойда бермаса сен ўз бурчингни бажармаган бўласан.

***«Аталар сўзлари»дан.***

*Форс, араб, озарбайжон тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.*

*Сўлим гўшаларимиз*

# «САЙИЛГОҲ» КЕНГАЙДИ

***Наврўз шодиёналари арафасида ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари учун севимли маскан бўлиб бораётган «Сайилгоҳ» кўчаси янада кенгайтирилди.***



— Бундан кейин «Сайилгоҳ» кўча эмас, ўз оти билан ҳам оромгоҳга айланган маскан десак ҳам янглишмаймиз, — дейди бош пудратчи — 12-трестнинг бош геодезисти Исхат Харисов. — Чунки фуқаролар миллий таомлардан тановул қилиб, қўшиқ тинглаб, суратлар томоша қилиб дам олишади. Шунинг учун биз ҳам қисқа муддат ичида жуда ҳам тез ишлашимизга тўғри келди. Трестимизга қарашли 2, 51-қурилиш бошқармаларидан, 2-кўчма механизация колоннасидан 100 га яқин фуқаро бунёд ишлари олиб боришди. Биз билан ёнма-ён Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли таъмирлаш-қурилиш ва ободонлаштириш трести ҳамда «Ўзэлектромонтаж» трестига қарашли 1-Тошкент монтаж бошқармаси ишчилари меҳнат қилишди.

— Бу оромгоҳдаги ишларимизнинг жадал боришида табиат ҳам бизга ёрдам бермоқда, — дейди суҳбатимизга қўшилган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш трестининг устаси Серик Курбонов. — Чунки бир ой муддатга мўлжалланган иш режаси ўз вақтида бажарилди. Янги барпо этилган оромгоҳ яна 8 минг квадрат метрга кенгайди. Трестимизнинг 1-бошқармасидан ҳар куни 100 дан ортиқ ишчи меҳнат қилди. Улар 500 квадрат метр ерга биогумус ўғити солиб ерни озиқлантириб турли хилдаги гуллар экишди. 1000 квадрат метрга эса маҳаллий чим бостирилди. Тез кунда гуллар орасига сепилган яшил райгрис уруғи униб чиқиб, маҳаллий чимлар кўкариб оромгоҳнинг чиройига яна чирой қўшишади.

— Атрофни тунда ҳам кундузгидек ёруғ қилиш биз нурчиларга юклатилган эди, — деб бошқалар фикрига қўшилади 1-Тошкент монтаж бошқармаси бригадири Александр Петров. — Мана бу чиройли ва бежирим лампаларни «Тошқишлоқмаш» акционерлик жамиятида тайёрлашган. Ер остида ўтказилган ва махсус кабеллар ёрдамида ёритгичлар учун симлар тортилди. Оромгоҳ тунда ҳам ёп-ёруғ бўлиб туриши учун 49 та махсус лампаларни ўрнатиб чиқдик. Улар юртдошларимиз йўлини ёруғ қилиб, қалбларига қўшалоқ баҳор шодиёналарини улашса, биз ҳам ғоят мамнун бўламиз.

*Гулбаҳор МЎМИНОВА.*

*СУРАТДА: «Сайилгоҳ» кўчасининг янги қуриб фойдаланишга топширилган қисми.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*«02»*

# ҚЎШМАЧИЛАРНИНГ ЖИРКАНЧ ҚИЛМИШЛАРИ

***Аэробика бўйича машғулотлар ўтказилаётган спорт залига ёш, келишган бир аёл кириб келди. У рақсга тушаётган қизларни синчковлик билан узоқ кузатди. Машғулотдан кейин эса улардан айримларининг қолишини илтимос қилди.***

Ўзини Барно Камолова (исми ўзгартирилди) деб таништирган бу аёл қизларни катта миқдорда маош тўланадиган раққосалик ишига таклиф этди. Қаерга бориш ва кимга учрашиш кераклигини тушунтирар экан, батафсил маълумот билан ўша ерда танишишлари мумкинлигини айтиб хайрлашди.

Уч дугона — Лола, Марина ва Оксаналар ўз бахтларини синаб кўриш мақсадида эртасига айтилган манзилга боришди. Шу куни мўъжазгина спорт залига йигирмага яқин одам тўпланди. Сергей Пак (фирма директори) йиғилганларга «Шоу Данс» ўзбек-корейс фирмаси 22 ёшгача бўлган қизларни Сеулдаги нуфузли ресторанларда ишлаш учун замонавий рақслар танловини ўтказаётганини тушунтирди. Барно бу ерга келганларни янада қизиқтириш мақсадида Кореянинг диққатга сазовор жойлари, гўзал архитектура ёдгорликлари ва тансиқ таомларини роса мақтади. Бу жаннатмакон юртда қулай шароитда яшашлари ва мўмай пул ишлаб олишларига ваъда берди.

Баъзилар таклифга кўнмади, айримларга ота-оналари рухсат бермади, бошқа бировлар эса танловдан ўта олмади. Шу зайлда 14 кишидан иборат раққосалар гуруҳи тузилди. Барно икки ой мобайнида уларга рақс сирларини ўргатди.

Ниҳоят шартномани имзолаш пайти келди. Уни ўқиб кўрган қизлар раққосалар қўшимча даромад эвазига мижозлар кўнглини овлашлари мумкинлиги ёзилган бандини ҳеч иккиланмай ўчирдилар. Бундан хабар топган ота-оналар ҳам фирма директорининг олдига келиб, норозилик билдиришди. Сергей ва Барно шартноманинг бу банди халқаро меъёрлардаги оддий расмиятчилик эканлигини айтиб, уларни тинчлантиришди.

Юпатишлардан сўнг тинчланган қизлар шартномаларга имзо чекишди. Корея томонидан уларни Корея Республикаси фуқароси Цой Енг Сол ва «Айск Маск» фирмаси директори Пак Сергей имзоладилар.

Раққосаларнинг ўртача ёши 16—19 да эди. «Шоу Данс» фирмасининг яна бир вакили, Тошкент шаҳрида яшовчи 56 ёшли фуқаро Дмитрий Ли сафар чоғида тўрт нафар вояга етмаган қизларнинг барча ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди.

Чақирувлар ва сайёҳлик йўлланмаларини расмийлаштириш билан қизлар самолётга чиқиш олдидан танишишган Цой Енг Сол машғул бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай 14 нафар раққосалардан иборат гуруҳ Цой Енг Сол, Пак Сергей, Ли Дмитрий ва Барно Камолова кузатувида Кореяга кўнаб кетишди. Ниҳоят самолёт Сеул аэропортига қўнди.

Цой Енг Сол қизларни ваъда қилинган меҳмонхонага эмас, балки ўз уйига олиб келди. Барно улардан ҳужжатлар, паспорт ва ортга қайтиш учун олинган чипталарни олиб қўйди.

Ҳали бирор нарсадан шубҳаланмаган қизлар 2—3 тадан хоналарга жойлаштирилди. Раққосалар ўзлари устидан қатъий назорат ўрнатилиб, ўзаро мулоқотда бўлиш, ота-оналарига сим қоқиш, шаҳарга чиқишлари таъқиқлаб қўйилганидан ҳайратга тушишди.

Цой Енг Сол ҳар бир раққосага чипта олиш, яшаш ва овқатланиш учун сарфланган пул миқдорини айтиб, харажатларни тўлашни талаб қила бошлади. Шартномада таъкидланганидек, қизларни иш билан таъминлаш ўрнига уларни бузуқликка ундарди.

Қиш бўлишига қарамай қизлар яшаётган хоналар иситилмасди, бунинг устига таом ва сув бермай қўйилди. Уларни оч-наҳор ушлаб, мунтазам дўқ-пўписа қилаётган Цой Енг Сол фоҳишабозлик йўлига киришлари учун бор саъй-ҳаракатини аямаётган эди.

Лола, Марина ва Оксана барча талабларни бажаришдан бош тортишар, Тошкентга милицияга арз қилишларини айтишарди. Энди 16 ёшга тўлган бўлишларига қарамай уларнинг иродаси букилмади. Шу боис жиноятчилар уч дугонани Барно Камолова билан Тошкентга жўнатиб юборишга мажбур бўлдилар.

Қизлар бўлган воқеа ҳақида Тошкент шаҳар ИИББга хабар беришди.

Сеулдаги қизларни эса қўшмачилар шаҳардаги меҳмонхоналарда «хизмат қилишга» мажбур қилишди. Мижозлар билан ўзлари келишишар, тушган даромадни бўлишиб олишарди. Гаровга олинганларга эса шу пулдан кунига бир маҳал таом берилардию, холос.

Цой Енг Сол ўз даромадини кўпайтиришни аввалроқ ўйлаб қўйганди. Ўзбекистонга келишидан мақсад ҳам Кореяга ёш қизларни алдаб олиб кетиш эди. Тошкентда тахминларга кўра Туркия ва Бирлашган Араб Амирликларига қизларни алдаб олиб борган Барно ва амалда бўлмаган «Айск Маск» машъум режасини амалга оширишга киришди.

Газандалар қизларнинг ёшлигидан фойдаланиб, қўрқитув йўли билан бўлиб ўтган воқеалар ҳақида оғиз очмасликка ундашди. Шу боис улар Тошкентга келишгач, на дугоналари, на ота-оналарига бирон сўз айтишмади. Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари ҳақиқий аҳволни аниқлагунча кўп куч сарфлашларига тўғри келди.

Шундай қилиб, қўшмачиларнинг жирканч қилмишлари фош қилинди. Жабрланганлар ниҳоят кўрсатма беришди. Ашёвий далил сифатида имзоланган шартномалар олинди.

Ли Дмитрий ва Пак Сергей Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига биноан шаҳвоний мақсадда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллашда айбланишди.

Ушбу жиноий иш материалларининг бир қисми Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси томонидан Корея Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига чора кўриш учун жўнатилди. Цой Енг Сол ҳибсга олинди ва 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Барно Камолова қаёқдандир сохта ҳужжатлар тўғрилаб, юртимиздан қочиб кетди. Ҳозир у қидирувда.

Тошкент шаҳар ИИББ ТБ терговчиси, милиция капитани И. Петриченко шулар ҳақида гапирар экан, қуйидаги сўзларни алоҳида таъкидлади:

— Мўмай даромад топишни кўзлаган қизлар тутаётган йўллари ва унинг оқибатлари ҳақида ўйлашмагани кўриниб турибди. Содир этилган бу жиноят бошқаларга сабоқ бўлмоғи лозим. Бошқа мамлакатга пул ишлаш учун бораётган киши олдинда уни нималар кутаётганини яхши билиши зарур.

Афсуски, катта миқдорда пул ваъда қилиб, фуқароларимизни алдов йўли билан ўзга давлатларга олиб кетаётган ва у ерда ўз манфаати йўлида фойдаланаётган кимсалар кам бўлса-да, учраб турибди. Шу боис фуқароларимиз, хусусан қизларимизга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб боришимиз, мустақил фикрловчи инсон бўлиб камол топишларига эришишимиз мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари эса ёрдам қўлини чўзишга ҳар доим тайёр!

*Дилшод МАЛИКОВ.*

**31 март — Умумшаҳар югуриш куни**

# САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДАГИ ОҚИЛОНА ТАДБИР

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат Дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Тошкент шаҳрида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш, айниқса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизими бўлмиш маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолини соғломлаштириш, корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув юртлари ходимларини оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида яқинда Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганди.***

***Ушбу қарорга мувофиқ тайёрланган дастурдан келиб чиққан ҳолда шу йилнинг 31 мартидан бошлаб ҳар чоршанбада — югуриш, ҳар якшанбада — маҳалла спорти кунлари ўтказилади. Биз Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Суҳбат ПЎЛАТОВ билан учрашиб, дастур юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида суҳбатлашдик.***

**— Суҳбат Обидович, айтингчи, жойларда Тошкент шаҳар ҳокимининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги қарорини амалга оширишга киришилдими?**

— Албатта, камҳаракатлилик авж олган, стресс ҳолатлари кўпайган ҳозирги пайтда ушбу қарорнинг ўз вақтида чиққанлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Зеро, ҳар чоршанбада шаҳримиз маҳаллалари, олий, ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, боғлар, ўйингоҳларда ўқувчилар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари ўртасида соғломлаштириш югуриши, дам олиш кунларида эса маҳаллаларда оммабоп спорт ўйинларини ўтказишнинг қанчалик фойдали эканлиги тўғрисида тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Бунда ҳар бир маҳаллада ўзига хос ва мос бўлган спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, апрелдан олдин синов тариқасида С. Раҳимов туманидаги Хасти-Имом маҳалласида шахмат ишқибозларининг кўплигини инобатга олган ҳолда Наврўз айёмига бағишлаб шахмат байрами ўтказилди. Аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотган ушбу мусобақада йигирмадан ортиқ шахматчилар ўзаро беллашди. Шу билан бирга унда республикамизнинг энг кучли шахматчиларидан бири — халқаро гроссмейстер С. Йўлдошев ҳам қатнашиб барча шахматчилар билан бир вақтнинг ўзида тезкор сеанс ўтказди. Ҳақиқий маҳалла спорт байрамига айланиб кетган ушбу тадбирда барча қатнашчиларни мамлакатимиз шахматининг отахони, республика шахмат федерациясининг вице-президенти М. Муҳиддинов қизғин табриклади.

С. Раҳимов тумани ҳокимлиги ҳам яхши ташаббус билан чиқди. 24 мартда ҳокимлик ходимлари саломатликларини мустаҳкамлаш, тетикликка эришиш мақсадида ҳокимият атрофидаги боғда югуришди ва ҳар ҳафтада мана шундай югуриб туришга келишиб олишди.

Шунингдек, мазкур дастур асосида Шайхонтоҳур туманидаги 102-ўрта мактаб спорт залида Аёллар йилига бағишлаб туман оилавий спорт мусобақалари ўтказилди. Оналар ва болалар иштирок этган мусобақада оилалар эстафета усулида тўп билан югуриш, баскетбол тўпини ўйнаб бориб ҳалқага тушириш, гимнастик юмалаш, арқон тортиш, дартс бўйича қизғин баҳс юритишди. Ушбу қизиқарли беллашувда Мақсудов оиласи ғолиб чиқди. Унга ва бошқа ғолибларга ҳомийлар томонидан ажратилган совғалар топширилди.

Қарорнинг яна бир ибратли томони шунда бўлдики, илгарилари кўпчилик аёлларимиз, айниқса ўрта ёшдагиларнинг мавжуд сузиш ҳавзаларидан бемалол фойдаланишлари учун шарт-шароитлар йўқ эди.

Эндиликда шаҳар ҳокимининг қарорига асосан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ва Халқ таълими бош бошқармасига қарашли сув ҳавзаларида аёллар ва уларнинг болалари сузиш билан шуғулланишлари учун 10 мингдан зиёд абонементлар имтиёзли равишда тарқатилди.

Иккинчидан, спорт қўмитаси томонидан шаҳримиз маҳаллаларини спорт анжомлари билан таъминлаш учун шароит кам эди. Мана энди ҳар бир туман ўз ҳудудидаги маҳаллаларда югуриш ва маҳалла спорти кунларини фаол, уюшқоқлик билан ўтказса, шу тадбирларни намунали тарзда ташкил этган маҳаллалар, ўқув юртлари спорт анжомлари билан мукофотланади. Ҳар иккала тадбирни энг яхши ташкил этган туман спорт қўмитаси эса йил охирида шаҳар ҳокимлиги томонидан «Дамас» автомашинаси билан мукофотланади. Совриндорларга эса турли ташкилотлар, жамғармалар ва шаҳар спорт қўмитасининг совғалари топширилади.

**— 31 мартда ўтказиладиган Умумшаҳар югуриш кунига туманларда қандай тайёргарлик кўрилаяпти?**

— Унга ҳар бир туманда ўзига хос кўтаринки ҳолда тайёргарлик ишлари кетяпти. Хусусан, шу куни Миробод тумани бўйича Фурқат боғида олий ўқув юртлари, мактаблар ўқувчилари, ён-атрофдаги маҳаллалар аҳолиси иштирокида югуриш мусобақалари ўтказилади. Сергели туманида эса бундай тадбир У. Носир номли боғда ташкил этиляпти. Шу куни соат учда бу ерга маҳаллалар, ташкилотлар, ўқув муассасалари ходимлари, ўқувчилар, хуллас барча хоҳловчилар йиғилади ва соғломлаштириш югуриши тадбирида иштирок этади.

Собир Раҳимов тумани аҳолиси учун эса «Агрегат» ишлаб чиқариш корхонасининг ўйингоҳи танланди. Бу ердаги югуриш тадбирида тумандаги «Тешиккопқоқ», «Қорасарой», «Намуна» маҳаллалари аҳолиси, ҳокимлик бўлимлари, туман халқ таълими, ижтимоий таъминот бўлимлари, меҳнат биржаси, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» жамғармаси ва тадбиркорлар товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ва бошқа ташкилотлар ходимлари фаол қатнашади.

Югуриш ва маҳалла спорти кунларини ўтказишда туман халқ таълими бўлимлари, «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар касаба уюшмалари кенгаши, «Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари ёрдамлари катта бўляпти.

Умумшаҳар югуриш кунида шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тасарруфидаги пойтахт спорт федерациялари ходимлари ҳакамлик, масофаларни белгилаш ва бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатишади, пойтахт жисмоний тарбия — тиббиёт диспансери шифокорлар билан таъминлайди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.*

***Баҳор, кўклам кириши билан инсон организмидаги секин-аста ўзгариш, турли хилдаги муолажани талаб этади. Буни кўпроқ аёлларимиз баҳорги толиқишда деб тушунадилар. Бироқ бу толиқишга ўз вақтида эътибор қилинмаса, бора-бора жиддий касалликка чалиниб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун инсон ўз саломатлиги йўлида доимо қайғуриши лозим. Бунинг учун турли хилдаги салатларни нафақат баҳорда, балки йилнинг тўрт фаслида истеъмол қилиб туриш керак. Ҳозир баҳор бўлгани учун биз ҳам баҳорги салатларнинг 2—3 турини тавсия этамиз.***

● КАРАМЛИ САЛАТ. Бу салат учун керак бўладиган маҳсулотлар бозорларимизда доимо мавжуд. Улар таркибида организм учун энг зарур бўлган витаминлар, оқсиллар, қоннинг яхши айланишига ёрдам берувчи моддалар бор.

*Маслаҳатлар*

# БАҲОРДА ТОЛИҚМАЙ ДЕСАНГИЗ

Бу салатга керакли маҳсулотлар: 300 грамм оқбош карам, 4 ош қошиқ сметана, 1 чой қошиқ шакар, яримта лимон шарбати, таъбга қараб туз.

Майда қилиб тўғралган карамни тахта устида жўва билан эзиб, идишда 2—3 соат сақлаш керак. Сўнгра устига туз, шакар, лимон шарбати ва сметана қўшилади. Салатга сметана ўрнига майонез, клюква шарбати ёки қизил смородина ва ўсимлик мойи қўшиш мумкин.

Шунингдек бу салатни бошқача усулда ҳам тайёрласа бўлади, яъни нордон ёки маринадланган олма, олхўри, сельдерей, консерваланган кўк нўхат (ёки қўзоқли нўхат), маренадланган ёки барра бодринг, турли кўкатлар, петрушка, укроп қўшиб ҳам тайёрлаш мумкин.

● КЕФИР ҚЎШИЛГАН РЕДИСКА САЛАТ. Бу салат ҳам бошқа салатлар сингари жуда хушхўр бўлиб уни тайёрлаш ҳам осон. 300 грамм редиска (барглари билан), 120 грамм бошпиёз, 80 грамм сабзи, 100 грамм кефир, 60 грамм сметана, 40 грамм ўсимлик мойи, таъмига қараб туз, қалампир олиниб, энг аввало редиска сомонсимон қилиб тўғралади. Сабзи йирик тишли қирғичдан ўтказилиб, майда қилиб тўғралган редиска барглари билан аралаштирилади. Бошпиёз эса майда қилиб тўғралиб, ўсимлик мойида қовуриб олинади ва совутилади. Сабзавотлар аралаштирилиб, уларнинг устига кефир, сметана қуйилади ва петрушка барглари билан безатилади.

*Гули АБДУЛЛАЕВА.*

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ!**



*Сизнинг лотерея билетларини харид қилиш учун пул сарфлашингизга ҳожат бўлмайди.*

*Сиз электрдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаган ҳолда ушбу мукофотлардан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.*

*Ҳар чоракда ўтказиладиган қимматбаҳо ютуқлар тиражида электр қуввати учун тўловлар бўйича қарзи бўлмаган маиший истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб рақамлари қатнашади.*



Навбатдаги ютуқлар тиражи 15 апрелда ўтказилади.

**Маълумотлар учун телефонлар: 133-82-03,136-60-32.**



**Электр энергияси ҳақини ҳар ойда тўлашни унутманг!**

**Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.**



**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**География ва экология, Банк иши, Менежмент ва ҳуқуқ, Инвестицион лойиҳаларни молиялаш, Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудит, Иқтисодий назария, Математика, Микроиқтисодиёт, Иқтисодий информатика, Солиққа тортиш, Молия кафедралари бўйича мудирлик лавозимларига ҳамда «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудит» кафедраси бўйича профессор (2), доцент (8), катта ўқитувчи (5), ассистент (3) лавозимларига танлов эълон қилади.**

**Танловда фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, доцентлар ва малакали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.**

**Тел. 34-66-58**

**РЕКТОРАТ.**



**« ТОШКЕНТ ОҚШОМИ »**

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.**

**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.**


Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими томонидан Абдулҳай Тожиев номли 109-мактабга берилган герб, думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

***ТЕЛЕФОНЛАР:*** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 209**

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

***«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.***

Буюртма Г-0182. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6